

XDP

1918-yil
21-iyundan chiqa
boshtagan

№29, 2023-yil
2-avgust,
chorshanba (32.775)

Barchaga g'amxo'rlik – davlatning burchi

O'zbekiston ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

ГЕОЛОГИЯ ТАРМОҚЛАРИДАГИ ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 1 август куни фойдали қазилмалар захираси ва ишлаб чиқариш ҳажмими кўпайтиришга оид тақдимот билан таниши.

Мамлакатимизда геология соҳасига катта эътибор қаратилиб, замонавий технологиялар жорий килинганди натижасида ерости бойликларини аниқлаш кўлами кенгайди. Уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаларига хорижий инвестициял кириб келмоқда.

Хусусан, сўнгги олти йилда каолинни қайта ишлаш бўйича 148 миллион долларлик 15 та янги лойиҳалар ишга тушган. Натижада тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кариб 2 баробар кўпайиб, экспорт 65 миллион долларга етган. Шу даврда кўмир қазиб чиқариш ҳажми 1,4 баробар ошиб, 5,4 миллион тоннага етган.

Тақдимотда шу соҳадаги, жумладан, кўмир, каолин ва уран ҳажмини оширишга қаратилган режалар ҳақида ахборот берилди.

Қайд этилганидек, бу йил 6,7 миллион тонна кўмир қазиб олиш режа қилинган.

Каолин бўйича қўймати 620 миллион долларлик 33 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Ундан юқори кўшилган қўйматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш хисобига жорий йилда экспортни 81 миллион долларга, 2030 йилга бориб 180 миллион долларга етказиш мўжлагланган.

Шунингдек, уран захирасини ўстириш бўйича хорижий компаниялар нафараларни ҳамкорликда геология-кидирув ишлари давом эттирилади.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга бу йўналишларда натижадорликни янада ошириш имкониятларини кўрсатиб ўтди. Мавжуд хом ашё базаси, ноёб технологиялар ва кадрлар салоҳиятидан унумли фойдаланиб, маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Сурхондарёдаги тошкўмир бўйича 5 та истиқболли майдонни хусусий секторга бериб, геология-кидирув ишларини жадаллаштириш, Ангренда қазиб олинидиган кўмир сифатини яхшилаш ва сарсалаш технологияларини жорий этиш бўйича кўрсатма берилди.

Янги каолин конларини топиш ва оқ каолин захирасини 200 миллион тоннага етказиш, уни қайта ишлаш лойиҳаларини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Гидротермал ва қора сланецли уран конларини ўзлаштиришга хорижий инвесторлар жалб қилиниши белгиланди.

president.uz



2-3

ЎЗБЕКИСТОН 2030 СТРАТЕГИЯСИ

КОСОНЛИКЛАР ФАЙРАТ-ШИЖОАТИ ЮКСАЛИШГА ҚАНОТ БЎЛМОҚДА

“ВАЪДАНИ БАЖАРДИК...”

Косон саноат-монтаж курилиш фирмаси соҳиби 33 ёшли Машраб Шодмонов шундайдейди:

– Президентимиз ўтган йили апрелда туманимизга келиб, “Дўстлик” маҳалласида янги уйлар, мактаб ва бошقا иншотлар куриш юзасидан кенгаш ўтказганларида мен ҳам қатнаждим. Давлатимиз раҳбари уйлар лойиҳасининг ўзига хослиги, сифат ва бошқа масалалар юзасидан кимматни маслаҳатлар бердилар. Шунчалар таъсириландимки, беихтиёр ўрнидан туриб кетганимни сезмай колибман. “15 хонадонга ўз ҳисобимиздан ўй куриб берамиз”, дедим. “Кам бўлмант!”, дедидар. Қаттиқ меҳнат қидик. Президент сайлови арафасида кўп қаватли уйни куриб битказдик. Мухтож оиласларни ҳам ўзимиз танладик. Ваъдамизни бажарганимиздан жамоамиз билан кувоняпмиз...



Даъоми 4-5-бетларда.



КОНУНЛАР ХАЛҚНИНГ ҚАЛБИДИР



6 САҲИФА

“ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ” 105 ЁШДА



8

АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН ДАСТЛАБКИ ТЕСТ СИНОВЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

1 август куни абитуриентлар учун мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида кириш бўйича тест синовлари бўлиб ўтди.

Олий таълимдаги ижобий ислоҳотлар талабаларнинг тест синовларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан бу йилга тест жараёнларига қизғин тайёргарлик кўрилди.

Бу жиҳатлар “Ўзэксномарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида бўлиб ўтган тест жараёнларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди. Абитуриентлар хали тест бошланишидан анча иллари ўз жойларини эгалладилар. Уларнинг тест синовларини топшириши учун мажмуудаги тегишили павильонларда зарур шароит-

лар яратиб берилгани диққатга сазоворди.

Имтиҳон жараёни маҳсус кузатув камерасига ёшиб олинаётгани, бинолар керакли техник ва хавфзизлик воситаляри билан таъминлангани эътиборли.

...Тест синовлари бошланди. Абитуриентларнинг тестларни ишлаши учун уч соат вақт белгиланган бўлса-да, айримлар синовлар бошланганидан 15-20 дақика ўтар-ўтмас тест топшириб чиқаётганига гувоҳ бўлиш мумкин эди.

Тест синовларининг дастлабки босқичи муваффакияти, белгиланган талаб ва мөъёлларга мөс тарзда ўтди. Нима бўлганида ҳам, билими, масъулиятли, халол ва садоқатли, фидойи абитуриентларни талабалар сафидан ўрин олишига тилақдошмиз.

ЎзА.

ИНФЛЯЦИЯ КУТИЛГАНИДАН КЎРА СЕКИНРОҚ



7 САҲИФА

Лойҳа — умумхалқ муҳокамасида

ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ

Келгуси 7 йилда мамлакатимизнинг асосий ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи «Ўзбекистон – 2030» стратегияси ва уни 2023 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари лойҳалари жорий йилининг 31 июлидан бошлаб regulation.gov.uz ва 2030.strategy.uz портallарида кенг жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилди.

«Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг мақсадлари ва самараодорлик кўрсаткичлари осон қабул қилиш ва тушуниш учун қулагаш шаклда ифодаланган бўлиб, унда 5 та йўналиши бўйича 100 та мақсад назарда тутилган.

Хурматли юртдошларимиз, Халқ демократик партияси депутатлари ва фаолларидан лойҳаларнинг муҳокамасида фаол иштирок этиб, мамлакатимиз тараққётига хизмат қиласидаги таклифларни regulation.gov.uz ва 2030.strategy.uz портallарига юборишларини сўраймиз.

I. ҲАР БИР ИНСОНГА ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШИ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ

✓ Болаларни мактабгача таълим ва тайёрлов гурухлари билан қамров даражасини 100 фоизга етказиш.

✓ 100 фоиз мактабгача таълим ташкилотларини тоза ичимлик суви ва замонавий санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминлаш.

✓ Ўқув ўринлари сонини 7,5 миллионгача етказиш.

✓ 208 та “Истеъод – Интилиш – Истикబол” номли мактаб-интернатлар ташкил этиш.

✓ Таълим ташкилотларига ҳар йили 500 нафар “тил эгалари” бўлган хорижий мутахассисларни жалб этиш.

✓ 1 минг нафар тарбиячи ва ўқитувчиларни хорижий мамлакатларга малака ошириш ва стажировкага юбориш.

✓ Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари педагог ходимларининг иш хақини 2 баробар ошириш.

✓ Олис ва чекка ҳудудларда жойлашган 715 та умумий ўрта таълим муассасалари ўқув-

чилали учун бепул мактаб автобусларини йўлга кўшиш.

✓ Давлат гранти асосидаги қабул паралтрини 2 баробарга ошириш.

✓ Бюджетдан тиббиётга ажратиладиган ийллик маблағ ҳажмини 2 баробар ошириш.

✓ 700 та поликлиника бар-по этиш, 28 минг шифо ўринларини яратиш, 16 минг шифокор штатларини ташкил этиш.

✓ Ижтимоий хизматларни мажмуvавий амалга ошириш учун республиканинг барча ҳудудларида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари фаoliyatiini tashkil қилиш.

✓ Олий маълумотли хотин-қизлар улушини 50 фоизга етказиш.

✓ 2026 йилга қадар камбағалникини 2 баробарга, 2030 йилга қадар эса кескин қисқартириш.

✓ Ҳар йили 500 нафар истеъоддли ёшларни хорижининг ёнг нуфузли олийгоҳларига давлат хисобидан ўқишига юбориш.



II. БАРҶАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ФАРОВОЛГИНИ ТАЪМИНЛАШ

✓ Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг доллара етказиш.

✓ Ийллик инфляция даражасини 5-6 фоиздан ошмаслигини таъминлаш.

✓ Саноатда кўшилган қиймат ҳажмини 45 миллиард долларга етказиш ва 2,5 миллионта юқори даромадли иш ўринларини яратиш.

✓ Мамлакатимизда 250 миллиард долларлик инвестицияларни амала ошириш

✓ Банкларни хусусийлаштириш ва давлат иختиёрида 3-4 та банкни сақлаб қолиши, банк бозорига камида 4 та йирик нуфузли чет эл банкларини жалб қилиш.

✓ Камида 3 та тијорат банкларида Ислом молияси мезон ва тартибларини жорий этиш.

✓ Қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг мега-ваттга

ҳамда жами истеъмолдаги улушини 40 фоизга етказиш.

✓ Жамоат транспортини тўлиқ экологик тоза ёқилғига ўткашиб.

✓ Электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажмини 118 миллиард кўтга етказиш.

✓ Табиий газ қазиб олиш ҳажмини 62 миллиард куб метрга етказиш.

✓ Республиkaning 6 та йирик аэропортини модернизация қилиш ва хусусий авиакомпаниялар сонини 10 тага етказиш.

✓ Иқтисодиётда нодавлат сектор улушини 85 фоизга етказиш, давлат улуши мавжуд 2,3 мингта корхоналар сонини 6 баробарга камайтириш.

✓ Республикада 17 турдаги давлат монополиясини бекор қилиш.



✓ Ҳар йили 1 миллиондан ортиқ нуронийлар учун республика бўйлаб диққатга сазовор жойлар, хусусан, тарихий шаҳарлар, қадимий обидалар, зиёратгоҳлар ва юртимизнинг сўлим гўшаларига саёҳатлар ташкил этилади.



III. СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

✓ Сув ишлатиш самараодорлигини 25 фоизга ошириш, барча экин майдонларини тўлиқ сув тежайдиган технологияларга, ички сувориш тармоқларининг 50 фоизини ёпик кувурли сувориш тизимларига ўтказиш.

✓ 18,7 минг км ёки 66 фоизи тупроқ ўзанли бўлган магистрал ва хўжаликларро каналларнинг бетон қопламали улушини 13,1 минг км га ёки 46 фоизга етказиш.

✓ Қишлоқ хўжалиги экинларини сувориш сув тежайдиган технологиялар билан камраб олинг ерларнинг умумий майдонини 2 млн гектаргача, шу жумладан,

томчилаш сувориш технологиясини 600 минг гектаргача етказиш.

✓ Камида 100 та йирик сув хўжалиги объектларида автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий қилиш.

✓ Юқори самараодорликка эга чанг-газ тозалаш ускуналари ва локал сув тозалаш иншоотларини ўрнатиш ҳамда мавжудларини модернизация қилиш, 14 та худудда экологик тоза худуд режимини жорий қилиш.

✓ Шаҳарлар бош режаларини тузиша улар худудининг камида 30 фоизини яшил майдонлар ташкил этилишини таъминлаш.

Лойиҳа — умумхалқ муҳокамасида

2030




IV. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

- ✓ Ахоли ташаббуси билан инфраузилмани яхшилашга ажратиладиган маблағларни 24 трilliон сўмга етказиш.
- ✓ Махалланинг маблағларини ахолининг овозига кўра, махаллалардаги инфраузилма лойиҳаларига йўналтириш амалиётини жорий қилиб, махаллаларнинг муаммоларини хал этиш учун ажратиладиган маблағлар миқдорини камида 3 баробар кўпайтириш.
- ✓ Маҳаллалarda 100 дан ортиқ давлат хизматларини "бир қадам" да кўрсатишни йўлга кўйиш.
- ✓ Маҳаллалarda ахоли билан ишлашга қаратилган жараёнларни 100 фоиз рақамлаштириб, ҳар бир маҳаллада "электрон хизмат нуқталарабини ишга тушириш.
- ✓ Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини халқнинг чинакам "овозига" айлантириш.
- ✓ Ҳокимларнинг маҳаллий Кенгашга раҳбарлик қилиш амалиётини тўлиқ бекор қилиш.
- ✓ Ҳудуддаги ахоли сонидан келиб чиқиб ҳар бир маҳаллий Кенгашда 5 тагача доимий асосда фаолият юритувчи профессионал депутатлар корпусини шакллантириш.
- ✓ Вилоят ва туман (шаҳар) дарражасидаги ҳокимлар вазифа ва функцияларининг аниқ чегарасини белгилаш.
- ✓ Махаллий ижро ҳокимияти органларини демократик тамоилилар асосида шакллантириш, шу жумладан, ҳокимларни сайлаш тизимини жорий этиш ва уларни муддатидан олдин лавозимидан озод этишининг ҳуқуқий асосларини яратиш.
- ✓ Ҳокимларларга юклатилган 500 дан ортиқ вазифа орасидан улар фаолиятига хос бўлмаганларини бекор қилиш.
- ✓ Икки ва ундан ортиқ полосали тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш йўлакларини светофорлар билан тўлиқ жиҳозлаш.
- ✓ Ярашувга тушадиган ишлар бўйича жабрланувчининг илтимосига асосан жиноят ишини қўзғатмасдан суд тартибида тугатиш амалиётини жорий қилиш.
- ✓ Тадбиркорлик субъектларига нисбатан кўрилаётган жиноят ишларининг 100 фоизида ҳимоячи ёки жамоат ҳимоячиси иштирокини таъминлашга эришиш.

"Буюк тарих" номли 100 қисмдан иборат хужжатли сериал ишлаб чиқариш ва у жаҳоннинг ЭНГ машҳур 5 та телеканалида намойиш этилади.



Интернет жаҳон ахборот тармоғидан тўсиқларсиз фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, миллий Интернет маконида киберхаевфисзликни таъминлаш ҳамда фуқароларнинг Интернетдан фойдаланиш борасидаги саводхонлигини ошириш.



» Журналист ва оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириб, уларнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилади.

V. МАМЛАКАТНИ ХАВФСИЗ ВА ТИНЧЛИКСЕVAR ДАВЛАТГА АЙЛАНТИРИШ ИШЛАРИНИ ДАВОМ ЭTTИРИШ

✓ Марказий Осиёда халқаро ҳуқук ва минтақадаги барча давлатлар миллий манфаатларини инобатга олган холда, кенг қарорли стратегик шериклик ва иттилоғчилик муносабатларини чуқурлаштириш.

✓ Марказий Осиё давлатлари ҳудудида фуқаролар эркин ҳаракати, шунингдек, товарлар, хизматлар ва капиталнинг сунъий чекловларсиз айланishiга босқич-босқич эришиш, шунингдек, умумий сайджлик маконини шакллантириш ишларини давом эттириш.

✓ Европа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий ва технологик ҳамкорликни ривожлантириш,

✓ Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Африка минтақасидаги мамлакатлар билан мавжуд алоқаларни янга-

да кенгайтириш, янги ва истиқболли йўналишларда ўзаро манбаатли ҳамкорликни йўлга кўйиш, кенг минтақаларни боғловчи ва Ўзбекистонни жаҳон бозорига чиқишига имкон яратувчи транспорт-логистика йўлакларини шакллантириш.

✓ Америка мамлакатлари, хусусан, АҚШ билан янги даврда стратегик шериклик ва ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини тобора кенгайтириш, инвестиция, экспорт ва илгор технологиялар соҳаларидаги алоқаларни кучайтириш.

✓ Миллий қонунчиликни ва ҳуқуқни кўллаш амалиётини Жаҳон савдо ташкилотининг қоида, меъёр ва битимларига мослаштириш.

✓ Жаҳон савдо ташкилотига аъзо давлатлар билан бозорларга кириш бўйича музокараларни тизимли олиб бориш ва аъзо бўлиш жараёнини самарали якунига етказиш.



КОСОНЛИКЛАР

ЮКСАЛИШГА

(Биринчи мақола)

СУВДЕК СУЛУВ ОРЗУЛАР

Косон – Қашқадарё вилоятида барча соҳаларда пешқадам туманлардан. Қарши даштига туташган қишлоқ, кенгликларда ўндан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил яшаб, меҳнат килишяпти, фарзандларни ўстиришяпти. Ҳудуди ҳам 300 минг гектардан ошади.

– Мен Наврӯз байрами нишонланётган кунда Косон шаҳрига келгандим, – дейман “Нуроний” жамғармаси раиси Зикрилло Шариповга. – Табиат байрамидан кувонаётган одамларнинг шодлиги менга ҳам ўтган эди. Референдум ва сайловда фаол иштирок этганингизни ўшидтим...

– Сизни тушундим, – дейди Зикрилло Шарипов кўксини тўлдириб нафас оларкан. – Ҳалқ ҳеч қачон адашмайди. Раҳбаримиз туманимизга келиб, далаларга, саноат корхоналарига боргани, курувчилар, ёшлар билан учрашганини ҳеч ким эсидан чиқарган эмас. Мен Президентлик вазифасини бажаришга киришиш олдидан айтган улкан ишлар худди Косонимизда амалга ошаётгандай туюлди. Нафқат туманимиз, балки юртимизнинг барча манзиллари ўзгаради, юксалади, одамлар бундан-да фаронон яшайдиган бўлишади.

Зикрилло ака математика фани ўқитувчи, узок йиллар ёшларга таълим берган, адабиётга ҳам ихлоси баланд. “Фахр ифтихорим Ўзбекистон”, деб шеър ҳам ўқиб берди. Шу тарзда Косон шаҳрининг марказидаги “Дўстлик” маҳалласига келиб қолдик. Қурилиш авж олган янги мавзени аллақаён “Янги Ўзбекистон”, деб аташяпти. Мавзега Амир Темурномидаги истироҳат борги орқали ўтиларкан. Янгидан қурилган автодромда болалар қувонч билан кичига машиналарни бошқаришяпти. “Уларнинг кувончи ҳеч қачон сўнмайди”, дейман ўзимга. Богда дараҳтлар кўп, чиройли шийпон қурилган, шу жойда мамлакатимиз раҳбари курувчилар билан кенгашган экан. –“Юртимиз яшилликка бурканади, янги ўйлар

лойиха тушиб, 52,5 миллион доллар ажратишга кўрсатма бердилар. Мана, шу фамхўрликнинг намунаси.

– Республика танловида қатнашиб, бу курилиши биз бажарадиган бўлдик, – дейди янги курилаётган ўйлар олдига етиб келган Фаргона вилоятининг Олтиариқ туманидаги “Файз бинокор” фирмаси вакили Мухаммадражаб Ботибор. – Очиги, ташкилотимиз кўп вилоятларда меҳнат қилган. Бу сафар “Яккабоғ – Муборак” магистрал сув кувурига уландик. Қувурлар орқали олиб келинаётган сувни сақлаш учун иккита 500 кубометрлик резерверу омборнона курганимиз. Қувурларни Жиззахдаги корхонадан олганмиз, пишик, кўп йил ишлатилади. Топширилган ишни деярли бажардик, тоза сув қаватли ўйларга етиб келди.

берди, режадан ошди. Четдан олиб келинган курт уруғи яхши, пилласи сифатли. Ёғоч, кўмир таъминоти яхши бўлса, пилла харид нархи ошса, деймиз...

Эсимга 1996 йил газетамида эълон қилинган “Ипакка ўралган тош муммалор” мақоласи тушди. Эртаси куни мени катта идорага чакириб, бир ярим соат сухбатлашишган, айрим эътироzlарни айтишганди. Жавобан “ўн йилдан ортиқ вақт ичидаги маълумот тўплаганим, оиласиз йигирма йил курт бокиб келгани, дургайлар касалланиб, маҳсулдорлиги ва ипакчанлиги пасайиб кетгани, хозирча хориждан уруғ келтириши” лозимигини айтib, пиллачиликдаги ўнлаб муммалорни санаб бергандим. Муҳимларидан бири – юкори навли тут дараҳтларини экиш эди.



Юқори Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, қисман Чирокчи туманлари заминидаги яхон андозасига жавоб берадиган чучук сув заҳиралари мавжуд. **Кези келгандаги айтай, Тошкент, Фаргона ер ости сувлари ўрганилган, аммо Қашқадарё бундай илмий назардан четда. Вақти етди. Олтиндан, нефтдан, газдан, барча бойликлардан қимматроқ чучук сув заҳираларини исроф қилиб, келажак авлодни бу насибадан маҳрум қилмайлик.** Сувсиз ҳаёт йўқ.

“Турон” даштидаги тутзорлар янги экан. Умуман, туманда 1430 гектар тутзор бор экан. Хитой давлатидан келтирилган уруғдан очирилиб, пилла тайдерланиди ва 230 тоннаси шу давлатга экспорт қилинибди.

– Лалмидаги ерлардан 5 гектар бизга ажратилган, – дейди тадбиркор дехқон Дилшод Қуллиев. – Анча йилдан бўён полиз экинлари ўстиряпмиз. Ҳозир алоҳида кооператив туздик, 1375 азоси бор. Дехқончилик қилаётгандар 4000 кишидан ортиқ, уларни ҳам бирлаштирасак, четга маҳсу-



курамиз”... Учкур хаёл оғушидаман. “Қурилиш майдон”га ўтаман. Ўнлаб кўп қаватли ўйлар кад ростлаган. Улардан 4 тасини “Ғайрат” МЧЖ қуряпти. Сувоқи ва бўёвчи Самижон Ўроқов ва Зиёдулла Файбулаев бугунги ишлари ҳақида гапириб беришади. Қурилиш сифатини назорат қилувчи ташкилот вакили Нуридин Вафоев лойиҳага қатъий амал килаётгандаги айтишга шошилади.

Танишамиз. Ўттиз уч ёшли Косон саноат-монтаж қурилиш фирмаси бошлиғи Машраб Шодмоновнинг бурро-бурро сўзларини қизиқиб тинглайман. Ҳали ёш. Ташкилотнинг ғишт заводлари, қурилиш ашёлари дўкони бор. Массивдаги барча ўйлар банк кредити асосидаги қуриляпти. Қарангки, унинг ташкилоти еттига кўп қаватли ўйни ўз маблаги ҳисобидан тикилабди. Тағин ҳар биррига 250 миллион сўмдан маблағ сарфланган хонадонларни кам таъминланган оиласаларга эҳсон қилаяпти... **Уч фарзандини қинчилли билан улгайтираётган Шаҳноза исмли аёл телевизор орқали “муҳтож эдик, ўзлари беришди ўйни, йиғлаб юбордим”, деган эди кўзда ёш билан. Бошқа уй олганлар ҳам роса қувонишяпти. Уйларни кўздан кечириб ташқарига чиққанимда яна қутлуғ сўз ўшидтим:**

– Қувур билан тоза чучук сув келтиришибди...

ЧУЧУК, ТОТЛИ...

– Тоза ичимлик суви билан аҳолини таъминлаш ҳамиша машаққат, – дейди Қашқадарё вилоят сув таъминоти МЧЖнинг Косон тумани филиали бошлиғи Собир Эшев. – Алоҳида тиндириш иншоотлари бор. “Ширина тепа” маҳалласига иккита ер қудук қазиб бердик, 250 метрдан сув чиқди. Рости, чучук сувни машиналарда ташиб келиш имконияти оз бўлса-да бор. Ахир, сувимиз озроқ шўр...

Президентимиз ўтган йил келганларида муммаларни билган эканлар. Ўзлари янги



ТАРВУЗ ВА ПИЛЛА – ЭКСПОРТГА!

“Турон” даштига етиб келганимизда, янги барпо этилган тутзорларга кўзим тушди. Яхши навли тутлар экан. Шунда май ойининг охиринида, айни пилла топшириш бошланганида, қабул шоҳбасига борганини эсладим. Вилоятдаги “Радиан селект” МЧЖга қарашиб пиллахона қабул қилувчиси Ихтиёр Фаниевнинг айтишicha, 1100 касаначи билан шартнома тузилган. Ўша куни касаначи Шарофат Аликулова уч кути қурт ҳисобидан 180 кило пилла топшириган экан.

– Оиласиз билан 45 йилдан бўён пилла этишириб келяпмиз, – деган эди “Пистали” маҳалласида яшайдиган Бахтиёр Эшонқулов.

– Бу йил тўрт қурт қурт 240 кило махсулот

лот чиқарсан, даромад ёмон бўлмайди...

Дастлабки натижалар яхши. Қозоғистонга тарвуз олиб кетаётган ҳамкорларни кўрдик. “Олачабоп” ва бошқа маҳаллалар лалми ерда. Дехқон Садула Ниёзов узом масофадан электр сими тортиб келиб, 120 метрлик ер кууда қилинган сув оляти. Ургуф ҳам хориждан киммат нархда келтирилади. Бундай шароитда яшаш ва ишлаш осон эмас. Кам бўлмасин, бу дехқонлар.

Туманда ўтган йили экспорт режалари оширилиб адо этилди. Бу йил 45 миллион долларлик маҳсулот четга жўнатилар экан. Улар сирасига энди пилла ва тарвуз бор. Агар сув таъминоти яхши бўлса, косонлик дехқонлар бошқа маҳсулотларни ҳам мўл этишириб, экспортга жўната олади. Файрат, тажриба етарли.

усуллари ҳақида гапириган эдилар, бу бугун ва келажагимиз учун ниҳоятда мухим. Бизнинг 80 гектар еримиз бор. Иккى йил оддин 21 гектар галазорда ёмғирлатиб, 16 гектар пахта ерда томчилатиб сувориш усулини жорий қилган эдик. Президентимизга кўрсатган галла майдонидан ўтган йили 90 центрердан дон олган эдик. Галла хосилдорлиги бу йил 70 центрердан ошди. Галламиз ургулик. Анча йилдан бўён “Бухоро 6” навини ўстириб келямиз. Бу йил 45 гектар тўзмасиз яхши ўсяпти. Яна дейизим? Ҳа, бандон олган кредитни иккӣ йилдан кейин тўла узамиз ва қолган майдонларга ҳам сувни тежаш усулини жорий қилашимиз. Туман бу йил ҳам дон режасини ошириб адо этиди, етарли ургулик ҳам фамлади.

Дўстёр Мавлонов олтишини қоралаган, олий ихтисосли агроном. Унга эргашиб кўплаб фермерлар далаларда сувни тежаш усулини жорий этишмокда. “Бундан бошқа йўл йўқ”, дейди илми дехқон.

ЯНГИЛИКЛАР ШУНЧАКИ КЎПКИ...

Қаерда ёшлар етакчиси жонқуяр ва ташкилотчи бўлса, ўша жойда натижалар юкори. Мен туман ёшлар етакчиси Шоҳруҳ Жўраевда шундай фазилатларни кўрдим. Қотма, хушбич, ҳаракатчан.

Ахир, қишлоқ тумани, иш вақтни ҳисобга олишмайди, далада ҳам, пиллада ҳам, полизларда ҳам, саноат корхоналарда ҳам ёшлар... Бирорга ўқиши учун тўлуб керак, бирор ўз бизнесини йўлга кўймокчи, спортни ривожлантириш керак, бошига оғир кун тушганлар ҳам кўл чўзиб келишади. Ёш бўлишига қарамай, Шоҳруҳ ўзлигини йўқотмаган, ташвишлар билан ўралашиб, ўқиши, изланишини ташлаб қўймаган, гоҳ бир ишдан завқланиб, ўрақдан кулганини ҳам кўрдим. Факат тилагим, шуки, бу ишлар оғирлик килмаса, ажойиб етакчи камолга етапти, илоҳо, шундай бўлиб чиқсин!..

– Биз, ёшлар сайловда Йўлбошчимизни кўллаб-куватладик, – дейди Шоҳруҳ бегаразлигидан. – Биз шу кишига ишондик ва адашмадик. Ҳалқимизнинг баҳти, мамлакат

МАРКАЗИЙ БАНК:

ИНФЛЯЦИЯ КУТИЛГАНИДАН КҮРА СЕКИНРОҚ



Марказий банк бошқарувининг на-
вбатдаги йигилиши якунларига баги-
шланган матбуот анжумани бўлиб
утди. Унда Марказий банк раиси Мама-
ризо Нурумуратов ва банк раиси ўрин-
босари Беҳзод Ҳамраев иштирок эти.

Анжуманда асосий ставка ўзгариш-
сиз қолдирилган, яни 14 фойз этиб
белгиланган жакида ахборот берил-
ди. Бунда нархларга талаб омиллари
билин боғлиқ босимларнинг сақланиб
қолаётгани инобатга олингани, йил
якунига қадар инфляциянинг прогноз
доирасида булишини таъминлаш мақ-
сад қилингани қайд этилди.

Шунингдек, тадбирда умумий ин-
фляция йил бошидан пасаючи дина-
микания намоён этиб, июн ойидаги йил-
лик 9 фойзни ташкил килгани, бунда,
утган йилги юкори база эффекти^{тасъирлари тугаб бориши, импорт}
товарлари ва тартиба солинадиган
нархлар нисбатан барқарор бўлга-
ни асосий пасастирувчи омиллардан
билин боғлиқни таъкидланди.

Маълумотларга кўра, маъмурӣ ва
мавсумий омилларнинг нархларга таъ-
сириз исбиҳолланган базавий инфля-
ция кутилганидан кўра секинроқ пасай-
ган ва июн ойидаги 11,3 фойзни ташкил
этган. Натижада базавий инфляция ва
умумий инфляция ўртасидаги тафовут-
нинг ошиб бориши кузатилмоқда. Ўрта-
ча йиллик инфляция ҳам жорий инфля-
цияндан юкори шаклланган. Бу холат
нархлар шаклланишида фундаментал
талаб омилларидаги тасъири сақланиб
қолаётгани, истемъол бозорларидаги та-
лаб ва таклифнинг тўлиқ мувозанат-
лашмаганини кўрсатмокда ва истемъол
саватидаги нархларни 10 фойздан юкори
ошган товар ва хизматлар улушининг
юкорилигида ҳам намоён бўлмоқда.

Кредитлаш суръатларининг тезла-
шиши, бюджет харажатларини ортиб
бориши, хусусан, иш ҳақида нафақа-
ларнинг оширилиши иктиносий фо-
олликин кўлла-куватловчи асосий
омиллардан бўлмоқда.

Савдо ва пуллик хизматлардан
тушумлар, кўчмас мулк бозорида ол-
ди-сотди битимлари сони, банклар-
ро транзакциялар ҳамда чакана савдо
ва айланмаси ҳажмларнинг юкори
суръатларда ўсиши иктиносийда
истемъол талабнинг юкорилигини
кўрсатмокда. Импорт динамикасида
ҳам юкори ўсиши суръатлари кузати-
либ, бу бир томондан, ички фоолли-

нинг ошаётгани билан боғлиқ бўлса,
иккинчи томондан, валюта бозорида
талашиб ошириучи ошиб бўлмоқда.

Трансчегаравий пул ўтказмалари
жакми ўзининг фундаментал трен-
ди доирасида ўсиб бормоқда. Гло-
бал иктиносий фооллик кутилгани-
дан кўра тезрок ўсишига қарамасдан
унинг келгуси ривожланиш траектори-
яси бўйича ноаникликлар юкорилиги
качмоқда. Жаҳон хом ашё нархла-
рида юкори эффект тасъирлари тугаб
бориши билан глобал инфляцияни па-
шиш кузатилмоқда, бирор аксарият
давлатларда базавий инфляция йил
охирига юкори даражаси сақланиб
қолиши прогностикларни килинмоқда.

Янгиланган прогнозларга кўра,
тасъи иктиносий шароитларга икти-
носидётнинг мослашуви давом этаётга-
ни ва айрим ноаникликлар сақланиб
қолаётганини ҳисобга олиб 2023 йил
якунлари бўйича ЯИМнинг реал ўси-
ши 5,0-6,0 фойз атрофида булиши
кутилмоқда. Бунда ахоли даромад-
лари ошиши, фискал рағбатлар ва
хизматлар соҳасидаги фоолликнинг
юкорилиги иктиносий ўсишини асо-
сий кўлла-куватловчи драйверлари
бўлади. Жорий йил якунни бўйича
инфляцияни даражаси макроиктиносий
ривожланишнинг базавий сценарий-
си доирасида шаклланниб, 8,5-9,5
фойз атрофида булиши борасидаги
прогностикларни ўзгаришидан қолдирилди.

Шунингдек, матбуот анжуманида
озиқ-овқат маҳсулотлари импорт та-
мидотидаги сўнгу яхшиланинг дина-
микасининг давомийлиги бўйича но-
аникликлар сақланиб қолинётгани
қайд этилди. Икким ўзгариши тасъи-
рида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни
етиштириши билан боғлиқ харажат-
ларнинг ўсиши хатарлари юкори талаб
динамикаси шароитида нархларга
қўшимча босим яратиши мумкинлиги
түғрисида ҳам маълумот берилди.

Шундан сўнг Марказий банк раиси
Мамаризо Нурумуратов журналистлар-
нинг саволларига жавоб берди.

**Биринчи ярим йилликда юн-
деш харажатларининг ортиши газ
импорти ҳажми ошиши билан боғлиқми?**

– Биз иктиносийда ва молия вазир-
лиги билан яқин алоқадаимиз. Бюд-
жет бўйича мәлумотларни эса доим
куриб турдикам. Яни, ягона газна
ракамига биз орқали хизмат кўрсати-

лади ва биз бу жараённи кузат-
лаши оламиз. Шу ўринда яна шуни
айтиш мумкинки, харажатларнинг
биринчи ярим йилликда боска йиллардаги
билин со-
лиштирганда, ортгани биринчи
навбатда газ импорти ҳажми
ошиши билан боғлиқидир. Қолавер-
са, газнинг жаҳон бозоридаги, яни
шартномларда кўрсатилганидаги нар-
хи билан ички нарх ўтрасидаги тафо-
вут бюджет ҳисобидан копланади.
Шундай объектив шартлар сабаб би-
ринчи ярим йилликдаги харажатлар
аввалиг юйлар билан солиширганда
бирор юйларни килинмоқда.

**Олтин заҳираларимиз кет-
ма-кет З ой камайиган ростми?**

– З ой давомида заҳираларининг ка-
майишига ойнинг охирги кунида олтин
нархининг ўзгариши сабаб бўлган. Ўз-
бекистоннинг олтин-валюта заҳираларни
охирги 3 ойда 1,7 млрд долларга камай-
ган. Чунки валюта заҳираларимизнинг
65-68 фойзи олтидан. Яни, нарх
қўтирилса, заҳиралар кўйяди, тушса,
тушади. Олтинни сотиб олиб, унга тенг
эквивалентдаги валютни бозорга чиқа-
ришиши керак. Биз олтинни сотиб олиб,
чиқарган пулимига валюта чиқармай-
диган бўлсан, пул бозорида пул массаси
кўйайб, талаб инфляциясининг кўпай-
шиши имкон юратган бўйлаб қоламиз.
2023 йилда Ўзбекистон 107 тонна олтин
ишlab чиқариши кутилмоқда.

Аслида, биз олтинни арzon нарх-
да сотиб олмаймиз. Бир ой давомида
Лондон биржасида ҳар кунлик нархни
ҳисоблаб борасиз, ўттача ойлик нарх
качча бўлса, ўша кун, олиб келиб топ-
ширилган кундаги курс билан сотиб
оламиз. Олтинни сотиб масаласига
кеслак, би ўзимизнинг талабимиздан
келиб чиқиб олтин нархни юкори
бўлганда сотишига ҳаракат қиласиз.
Маълум жиҳатдан Марказий банк да-
ромад олиши керак. Олтин сотища
позициямиз нейтрал. Биз буни инфля-
цион таргетлашда энг асосий принцип-
лардан бирни сифатида беғилаган-
миз. Биз олтинни сотиб, яни Навоий
кон металлургия комбинати ва Олма-
лиқ кон металлургия комбинатидан
беғиланган тартибида сотиб оламиз.

**Нархлар барқарорлигини
таъминлаш учун бюджет дефи-
цити беғиланган даражадан оши-
маслиги мухими?**

– Аввалин, ўтра муддатли истиқболда
нархлар барқарорлигини таъминла-
ш учун бюджет дефицитини беғиланган
параметрлар даражасидан оши-
маслигини таъминлашни мухими.
Жорий йил якунни бўйича инфляция
даражаси макроиктиносий ривожла-

нишнинг базавий сценарийси доира-
сида шаклланниб, 8,5-9,5 фойзи атро-
фида бўлиши борасидаги прогнозлар
ўзгаришидан қолдирилган. Озиқ-овқат
маҳсулотлари импорт мунтасибати
сўнгни яхшиланни динамикасининг
давомийлиги бўйича ноаникликлар
сақланиб ўзгаришини динамикасининг
базавий сценарийидан қолдирилган.

Хисобланади. Биз уларнинг ҳам та-
жрибасини ўрганимиз.

**– Россия рублининг қадрсиз-
ланини иқтисодиётимизга қандай
таъсир қиласиди?**

– Иккиминчий йирик иктиносий ҳам-
коримизда пулнинг доимий қадрсиз-
ланиши бизга ҳам таъсир қиласиди.
Яни, қайси мавзода. Бу Россиядан
келадиган пул ўтказмаларининг ка-
майишига таъсир қиласиди. Республи-
камизда дастлаби 6 ой давомида пул
ўтказмалари 5,1 миллиард АҚШ дол-
лари атрофида бўлди, ўтган йили бу
ўтказмаларни 6,5 миллиард доллар эди.
Бу камайиш ўтган йили ўтказмалар
ҳажми ноодатий равишда юкори бўл-
гани билан боғлиқ.

Бундан ташкири, иктиносий алоқа-
ларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади.
Чунки экспортёларимиз товарни
Россияга олиб чиқиб сотганда, товарни
нархини бозоридаги нархларни баҳолаб,
барча пул-кредит инструментларни
инфляцияни жорий йилги прогноз
коридори доирасида шаклланшини ва
ўтга муддатли таргет кўрсаткиларига
эришиши таъминлашга қаратилишини
мавзуди килинмоқда.

**– Муаммоли қарздорлик бўйи-
ча тавсиялар нима учун ишлаб
чиқилди?**

– Банк ва қарздорлар муносабат-
ларини тартибиа солувчи тавсиялар-
дан асосий мақсад банкирларнинг
ишидан ташкири вактида ишламасли-
гини таъминлаш эди. Аникроқ айтган-
да, ижтимоий тармоклардан банкирлар
шанба, якшана кунлари, бу ҳам ет-
мангандек, кечаси ҳам уйма-үй юриб-
ди, деган ахборлар тарқатилилар эди.
Бизнинг асосий мақсадимиз ўшани
тартибиа солиши эди. Яни, банк хо-
димлари дам олиш кунлари ва кеч-
ларни миқозларни безовот қималаслик
учун ишлаб чиқилди.

**– Мутахассисларнинг фикрича,
ушбу муаммоли қарздорлик бўйи-
ча ишлаб чиқилган тавсиялар
Россия қонунларига ўхшашлигига
таъкидлашмоқда? Ҳақиқатан
хам шундайми?**

– Сўмнинг қадри нима билан ўла-
нади? Ташкири савдо операциялари билан
шугулланадиганлар учун валюта курси билан
кимдир сўнгни кундадлик ҳаётидан
ишлатаидиган бўлса, инфля-
ция ва нарх-наво билан ўлчайди. Сўм
б ой давомида долларга нисбатан
3,12 фойзи қадрсизланди. Асосий савдо
ҳамкорларимиз Туркия, Россия, Хитой билан
солишига кималасликларни таъминлаш
этибни мавзуди килинмоқда.

**– Йил бошидан бери ўзбек сўми
канча қадрсизланди? Валюта қу-
драти ошиши нималарга боғлиқ?**

– Сўмнинг қадри нима билан ўла-
нади? Ташкири савдо операциялари билан
шугулланадиганлар учун валюта курси билан
кимдир сўнгни кундадлик ҳаётидан
ишлатаидиган бўлса, инфля-
ция ва нарх-наво билан ўлчайди.

**– Ўзбекистон 6 ой давомида қанча
микдорда пул ўтказмалари амал-
га оширилган?**

– Трансчегаравий пул ўтказмалар
ҳажми ўзининг фундаментал тренди
доирасида ўсиб бормоқда. Йил боши-
дан 5,2 миллиард долларлик пул ўт-
казмалар амалга оширилган.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухабири.**

МУНОСАБАТ

ЭНГ КАТТА БАХТ

Республика Маънавият ва маърифат мар-
кази фаоллари ва бир гурӯх тарғиботчилар-
нинг Ўзбекистон халқига мурожаатини ўқиб,
зўёлли паримизнинг эртамиш, фарзандларимиз
келажаги учун накадар безовота энвалидларни
хаммамиз-қайси касб, қайси ёшда экани-
миздан қатъи назар, Янги Ўзбекистон тақдиди
учун мансулулигини янга бор чукур ан-
гладимиз.


Биз тенги авлод “Уфк”, “Одам бўлиш кий-
ин”, “Ўткан кунлар”, “Мехробдан чеън” “Эрк”
сингари асарларни ўқиб, улгайдик. Эсимда,
китобни биринчи бўлиб ўқиб чиқиши учун ку-
тубхонага эртароқ боришига ҳаракат қиласиди.
Чунки кўлма-кўл бўлиб ўқида-
ларни ўтилди. Асар қаҳрамонлари Кумушеби,
Гулчехра, Ойша, Розияни яхши кўриб, уларга
хавас қилардик. Ҳақиқий ўзбек қизлари, аёли-
нинг тимсоли эди улар. Катталарга хурмат, ои-
лага муҳаббатни шу қаҳрамонлардан ўрганир

1978 йилда Ўзбекистонда ажримлар-
сони жуда пастилигига қизиқсан руслар
юнанлигизга оилалардаги барқарорли-
книнг сабабларини ўрганиш ва тадқиқот
ўтказиш учун келишишган. Ҳулоса шу бўлган-
ки, ўзбек оилаларида фарзандларни миллий
қадрятларимиз, одоб-ахлоқ, оиласа хурмат
рухида тарбиялаш анъанасининг устунлиги
ажримларнинг олдини олган экан. Ва янга
бадий адабиётга муҳаббат ҳам ёшлар тар-
пиясида сезиларли таъсир қўр

HAMKASBLARIMIZ

+34 Коракалпогистон Республикаси
Хоразм +39 Бухоро Навоий +35 +40 Тошкент Самарқанд Жиззах Сирдарә +35 +40 Қашқадарё Сурхондарё +34 +39 Андижон Наманган Фарғона +38 +40 Тошкент Шаҳри

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi info@uzbovozi.uz www.uzbovozi.uz



"ЎЗБЕКИСТОН"
МЕҲМОНХОНАСИДА
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
МУАССИСЛИГИДАГИ
“ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ”
ГАЗЕТАСИННИГ 105 ЙИЛЛИК
ЮБИЛЕЙИГА БАФИШЛАБ
АДАБИЙ-БАДИЙ БАЙРАМ
ТАДБИРИ ҮТКАЗИЛДИ.
ШУ КУНИ ГАЗЕТАНИНГ
ФАХРИЙЛАРИ, ФИДОЙЛАРИ,
ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ
АРБОБЛАРИ, БУГУНГИ
КУНИМИЗНИНГ ЕТУК
ҚАЛАМКАШЛАРИ БИР ДАВРА
АТРОФИДА ЙИГИЛИБ,
ГАЗЕТАНИНГ БОСИБ ҮТГАН
УЗОҚ МАШАҚҚАТЛИ ЙУЛИ
ВА БУГУНГИ ФАОЛИЯТИ,
МАТБУОТ НАШРЛАРИ
ОЛДИДА ТУРГАН
МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАР
ХАҚИДА ДИЛДАН СУҲБАТ
КУРИШДИ.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Марказий Кенгаси раиси, Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси спикери ўрینбосари
Улуғбек Иноятов, Ўзбекистон Фаҳрийларни
ижтимоий кўплаб-кувватлаш “Нуруоний” жамғараси бошқаруви раисининг
бириччи ўрینбосари Шароф Убайдуллаев,
сиёсий фанлар доктори, профессор Нарзулла
Жўраев, “Халқ сўзи” газетаси Бош
муҳаррири ўринбосари Шуҳрат Жабборов
ва бошқалар йигилгандарни ўзига хос куттлуғ
сана билан табриклаб, мамлакатимиз
ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги “Ўзбекистон
овози” газетасининг ўз ўрни, мавқеи ва
таъсири борлигини таъкидлашди.

Уч авлод учрашувига айланиб кетган
тадбирда фаҳрийлар газета босиб үтган
йўл, миллий матбуот тарихи, ҳалқимиз-

“ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ” 105 ЁШДА

нинг фидойи журналистлари ва зиёлилари
таҳририятинг фаолиятини замонга муносаби
равишда ривожлантириш ҳақида фикр-
мулоҳазаларини билдиришиди.

Маълумки, газета биринчи марта 1918
йил 21 июнда, “Иштирокиён” номи билан
босилган. Газета Ўзбекистондагина эмас,
бутун Туркистон ўлқасида биринчи миллий
матбуот нашрлари қаторида намоён бўлган.

1920 йил 12 декабрдан “Қизил байроқ”,
кейинроқ “Туркистон”, 1924 йил декабрдан
бошлаб “Қизил Ўзбекистон”, 1964 йилдан
“Совет Ўзбекистони”, 1991 йилдан, яни
мамлакатимиз мустақилигининг илк кунларидан
бошлаб, ҳозиргача “Ўзбекистон овози”
номи билан чоп этилмоқда.

Юртимизнинг кейинги 100 йиллик тарихи
ишуғида газета саҳифаларида муҳрланган.
Газета узок, оғир йўлни катта курашлар
билан босиб үтди. Ҳар қандай шароитда
ҳам миллий қадриятларимизни, манфаат-
ларимизни химоялашга ҳаракат қилди.

Газета ўзлигидан узоқлашмаган. Миллий
қадриятларимиз, буюк тарихимизни
эслатиб турадиган, бошига кўтарадиган ва
бу туйгуларни ўз ижодлари орқали матбуот
саҳифаларига олиб чиқадиган фидойи
ижодкорлар газета жамоасида ҳамма вакт
бўлган.

Турли давр ва йиллар давомида бу газетага Акмал Икромов, Шароф Рашидов,
Иброҳим Раҳим, Зиёд Есенбоев, Мақсуд
Кориев сингари машҳур давлат, жамоат
арбоблари ва ижодкорлар Бош муҳаррир
бўлишган.Faafur Fулом, Maқsud Shайхzo-
da, Oйбек, Pirimqуl Kodirov, Muhammад
Yuсуf, Saъduла Haқim, Azim Cуon, Saфar
Ostонov ва бошқа кўплаб таникли публицист,
шоир, ёзувчilar ушбу таҳриriyati
бошқарган, ишлаган, газетанинг фаол му-
аллифларидан бўлишган.

Газетада ишлаб тобланган, таҳриба ортирган
бир гурух журналист-публицистлар



» Юртимизнинг
кейинги 100 йиллик
тарихи ушбу газета
саҳифаларида
муҳrланган. Газета
узок, оғир йўлни
катта курашлар
 билан босиб
 үтди. Ҳар қандай
 шароитда ҳам миллий
 қадриятларимизни,
 манфаатларимизни
 химоялашга ҳаракат
 қилди.

давлат ва жамият бошқарувининг турли
бўйинларида, масъул вазифаларда самара-
ли меҳнат қилган. Шу маънода “Ўзбекистон
овози” таҳририяти мамлакат матбуотининг
ўзига хос кадрлар мактаби сифатида ҳам
этироф этилади.

Кейинги йилларда газета турли кийин-
чиликларни енгib үтиб, эмин-эркин фао-
лиятни юритмоқда, янги режаклар тузмоқда.
Мамлакат бошқарувини янада демократ-
лаштириш, сиёсий плюрализм, професси-
онал парламент, вакиллик ҳокимиётини
мустаҳкамлаш, ҳуқуқлар ва имкониятлар
тengлигига эришиш, ижтимоий бирдамлик
ва химоя, инсон қадр-қиммати каби мавзу-
лар газетанинг асосий принциплари бўлиб
комикда.

Байрам тадбири якунида йигилганлар
ушбу даргоҳда ишлаган барча устозларни,
ҳамқасбларни, муаллифларни газета фа-
олиятидаги тарихий кун билан кутлаши,
фаол ҳамда фаҳрий журналистларга таҳри-
риятнинг эсдалик совғалари топширилди.



MUASSIS:

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV Muslihiddin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV
Qalandar ABDURAHMONOV Toshemir XUDOYQULOV
Guliston ANNAQILCHEVA

Bosh muharrir: To'lqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 836. 6789 nusxada bosildi.

Nashr ko'satkiichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni —

Topshirilgan vaqt — 21:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxa

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI